

## ТАСДИҚЛАЙМАН

Қорақалпоғистон Республикаси  
Телерадиокомпанияси директори

\_\_\_\_\_ Қ.Нағметов  
“ ” апрел 2017 йил

## ТАСДИҚЛАЙМАН

Қорақалпоғистон Республикаси  
Вазирлар Кенгаши  
Раисининг ўринбосари

\_\_\_\_\_ З.Ибрагимова  
“ ” апрел 2017 йил

**Оилаларни мустаҳкамлаш, оилавий ажримлар ҳамда бошқа турли ҳолатларнинг олдини олишга қаратилган телекўрсатувлар ва радио эшиттиришлар ташкил этиш бўйича**

### МЕДИА-РЕЖА

№	Тадбир номи ва моҳияти	Муддати	Ижрочилар	ОАВ
1.	“Муносабат” кўрсатуви орқали никоҳ ва оила ҳуқуқи, оила мустаҳкамлигига раҳна солувчи омиллар, ноқонуний никоҳ, эрта ва қариндошлар ўртасидаги никоҳларнинг салбий оқибатлари, аёллар ва вояга етмаганлар жиноятчилиги каби ҳолатларнинг олдини олиш борасида амалга оширилаётган ишларнинг кенг омма эътиборига етказиш	Чоракда 1 марта	Қорақалпоғистон телерадиокомпанияси, Хотин-қизлар кўмитаси, Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссияси, Ички ишлар, Адлия ва Халқ таълими вазирликлари, Ўрта-махсус, касб-хунар таълими бошқармаси, Маънавият тарғибот маркази, “Маҳалла” фонди, “Оила” маркази	“Қорақалпоғистон” телеканали
2.	“Жуўапкершиликке нэзер” “Қэлбимиз гəўҳары” кўрсатуви ҳамда барча радиоканалларда оилавий муносабатларни тўғри йўлга қўйиш, оила мустаҳкамлигида ота-она, маҳалла ва таълим муассасасининг ўрни, қизларнинг оилавий ҳаётга тайёрлаш, соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш масалаларига алоҳида эътибор қаратиш, Ибратли оилаларни тарғиб этиш ва оилада шахслараро, шунингдек, қайнона-келин муносабатларида юзага келадиган низоли	Чоракда 2 марта	Қорақалпоғистон телерадиокомпанияси, Хотин-қизлар кўмитаси, Халқ таълими вазирлиги, Ўрта махсус касб-хунар таълими бошқармаси, Маънавият тарғибот маркази, “Маҳалла” фонди, “Оила” маркази	“Қорақалпоғистон” теле ва радиоканали

	ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида “Жуўапкершиликке нэзер” “Қалбимиз гəўҳары” кўрсатувини ташкил этиш			
3.	“Муносабат”, “Эркин фикр” ток-шоуси орқали ўз фарзандларини қариндошларига ташлаб, чет элга ишга кетган аёллар, фарзанд тарбиясига салбий таъсир этувчи ота-оналар, оилавий ажримлар натижасида синиқ руҳият ва норози кайфиятда улғаядиган болалар тақдири, ёшларнинг турли ёт ғоялар таъсирига тушиб қолишининг олдини олиш, аёлларнинг жиноят кўчасига кириб қолиши кечириб бўлмас ҳолат эканлигига жамоатчиликнинг фаол муносабатини шакллантириш	Чоракда 1 марта	Қорақалпоғистон телерадиокомпанияси, Хотин-қизлар кўмитаси, Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия, Ички ишлар, Адлия ва Халқ таълими вазирликлари, Ўрта махсус, касб-хунар таълими бошқармаси, Маънавият тарғибот маркази, “Маҳалла” фонди, “Оила” маркази	“Қорақалпоғистон” теле ва радиоканали
4.	Мустақил ҳаёт астонасидаги ёшларда оилага муҳим кадрият сифатида қараш кўникмасини шакллантириш, оила мустаҳкамлигига салбий таъсир кўрсатувчи ижтимоий, кундалик муаммоларини бартараф этишга қаратилган зарур тавсия ва хулосалар бериб бориш мақсадида “Ўмир сабақлари” кўрсатувини тайёрлаш ва мунтазам намойишини йўлга қўйиш	Ҳар ойда 1 марта	Қорақалпоғистон телерадиокомпанияси, Хотин-қизлар кўмитаси, Маънавият тарғибот маркази, “Маҳалла” фонди, “Оила” маркази	“Қорақалпоғистон” теле ва радиоканали
5.	Қизларни одоб-ахлоқ тамойиллари асосида тарбиялаш, касб-хунарга ўрганиш, уларнинг кийиниш ва муомала маданиятини ошириш, онги ва қалбини ғоявий таҳдидларни ҳимоя қилиш, бугунги эзгу ислохотларга фаол муносабатини шакллантириш ҳамда соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишни йўлга қўйиш, Эртанги оила бекалари бўлган қизлар тарбиясида “Тенгдош-тенгдошга” тамойилини аҳамиятини тарғиб этиш, мамлакатимиз қизларини аъло ўқиши, намунали ҳулқи, юксак иқтидори ва ақл-идроки билан нумуна бўлган ўртоқларидан ибрат олишга ундаш мақсадида “Жаслар ўақты” кўрсатувини мунтазам эфирга узатиб бориш	Ҳар ойда 1 марта	Қорақалпоғистон телерадиокомпанияси, Хотин-қизлар кўмитаси, Ўрта-махсус, касб-хунар таълими бошқармаси, Маънавият-тарғибот маркази, “Маҳалла” фонди, “Оила” маркази	“Қорақалпоғистон” теле ва радиоканали
6.	“Интервью”, “Эдиллик айнасы”, “Эркин фикр”, ток	Чоракда	Қорақалпоғистон	“Қорақалпоғистон”

	шоулариди хотин-қизлар ўртасида хорижга чиқишга бўлган носоғлом хавасга бартараф этишда жамоатчиликнинг ўрни, ноқонуний миграция ва унинг салбий оқибатларини кенг муҳокама этиш	1 марта	телерадиокомпанияси, Хотин-қизлар кўмитаси, Маънавият тарғибот маркази, “Маҳалла” хайрия жамоат фонди, “Камолот” ЁИХ	теле ва радиоканали
7.	Маънавий-ахлоқий ва миллий мезонларга мос келмайдиган, порнографик мазмундаги, зўравонлик, шафқатсизлик, ахлоқсизликни тарғиб этувчи аудио-видео маҳсулотлар, турли хил компьютер ўйинларининг мамлакатимиз ҳудудига ноқонуний олиб кирилиши ёки Интернет тармоғи орқали олиниб, кўпайтирилиши каби ҳолатларга жамоатчиликнинг муносабатини кенг ёритиш	Чоракда 1 марта	Қорақалпоғистон телерадиокомпанияси, Қорақалпоғистон Республикаси прокуратураси, ИИБ, Божхона бошқармаси, Маънавият тарғибот маркази, “Маҳалла” фонди, “Камолот” ЁИХ, Хотин-қизлар кўмитаси	“Интервью”, “Муносабат”, “Эркин фикр”, кўрсатувлари
8.	Қорақалпоғистон телерадиокомпаниясидаги барча информацион дастурларида аёл ва замон, хотин-қизларнинг жамиятдаги ўрни, оила мустаҳкамлиги ва ёш авлодни вояга етказишда онанинг роли, маҳалла маслаҳатчиларининг оилалар билан ишлаш тамойиллари, энг фаол, ибратли аёлларнинг ҳаётий тажрибаларини оммалаштиришга қаратилган хабар ва лавҳалар бериб бориш	Ҳар ойда камида бир марта	Қорақалпоғистон телерадиокомпанияси, Хотин-қизлар кўмитаси, Маънавият тарғибот маркази, “Маҳалла” фонди, “Оила” маркази	“Хабар” ва ҳ.к: радио эшиттиришлар
9.	Оилада, фарзанд тарбиясида ота масъулияти ва жавобгарлиги, йигит-қизларни оилавий ҳаётга тайёрлашда зарур омиллар, оиланинг улуғ қадрият эканлиги, ёшларнинг маънавиятли, оилага ҳурмат руҳида вояга етишида бобо ва бувилар ўгити ақс этган ижтимоий роликлар намоишини йўлга қўйиш	Ҳар куни белгиланган вақтларда	Қорақалпоғистон телерадиокомпанияси, Хотин-қизлар кўмитаси, Маънавият тарғибот маркази, “Маҳалла” фонди, “Оила” маркази	“Қорақалпоғистон” теле ва радиоканали
10.	Вояга етмаганлар назоратсизлиги ва қаровсизлигининг олдини олишда ота-она масъулияти ҳамда жавобгарлигини оширишга қаратилган профилактик мазмундаги ижтимоий роликлар намоишини жорий этиш	Ҳар куни белгиланган вақтлар	Қорақалпоғистон телерадиокомпанияси, Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия, Ички ишлар вазирлиги, Маънавият тарғибот маркази, “Маҳалла” фонди,	“Қорақалпоғистон” теле ва радиоканали

			“Камолот” ЁИҲ, “Оила” маркази,	
--	--	--	--------------------------------	--